


Баҳолаш тизими маълумотларини бошқариш

Баҳолаш тизими маълумотини кўриш

Баҳолаш тизими маълумоти вазирлик ахборот тизими билан интеграция қилиш натижасида ҳосил бўлади. Яъни баҳолаш тизими вазирлик ахборот тизимида шакллантирилади, сўнгра ОТМ ахборот тизими кўринади. Баҳолаш тизимини кўриш **О'quv jarayoni / Baholash tizimi** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Баҳолаш тизими рўйхати

Ҳозирги кунда олий таълим тизимида 3 хил баҳолаш тизими мавжуд бўлиб, улар **Рейтинг, 5 баҳолик ва Кредит баҳолаш** тизимига бўлинади. Бугунги кунда аксарият ҳолларда кредит баҳолаш тизимига ўтилган. Агар бошқа баҳолаш тизимлари умуман ишлатилмаса баҳолаш тизимини нофаолга ўтказиш талаб этилади.

Баҳолаш тизимини таҳрирлаш

Баҳолаш тизимини таҳрирлаш учун баҳолаш тизими рўйхатидан тегишли баҳолаш турини танланади ва натижада баҳолаш тизими маълумотлари таҳрирлаш майдонларига юкланади (2-расм).



2-расм. Баҳолаш тизимини таҳрирлаш

Баҳолаш тизимини таҳрирлаш ойнасида фақат баҳолашнинг минимум қийматини ўзгартиришга рухсат бор. Агар минимум қийматда хатолик бўлса таҳрирлаш тавсия этилади ва **Saqlash** тугмаси танлаш орқали маълумотлар сақланади.

Эслатма. Баҳолаш тизимини ўчиришга рухсат этилмаган. Тизимнинг ўрнатилган вақтда баҳолаш тизими ҳам автоматик тарзда шаклланади. Агар бирор бир хатолик бўлмаса баҳолаш тизими таҳрирлаш мумкин эмас.